

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ
ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ
ТУЗИШ ВА ТЕГИШЛИ САЙЛОВ ОКРУГИГА БИРИКТИРИШ
ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 11 ва 14-моддаларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳақидаги тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги 44 та сайлов участкалари тузилсин:

- | | |
|---------------------|---|
| 1-сайлов участкаси | Абу-Даби шаҳри (Бирлашган Араб Амирликлари) |
| 2-сайлов участкаси | Анқара шаҳри (Туркия Республикаси) |
| 3-сайлов участкаси | Афина шаҳри (Греция Республикаси) |
| 4-сайлов участкаси | Ашхобод шаҳри (Туркменистон) |
| 5-сайлов участкаси | Баку шаҳри (Озарбайжон Республикаси) |
| 6-сайлов участкаси | Бангкок шаҳри (Таиланд Қироллиги) |
| 7-сайлов участкаси | Берлин шаҳри (Германия Федератив Республикаси) |
| 8-сайлов участкаси | Бишкек шаҳри (Қирғизистон Республикаси) |
| 9-сайлов участкаси | Брюссель шаҳри (Бельгия Қироллиги) |
| 10-сайлов участкаси | Варшава шаҳри (Польша Республикаси) |
| 11-сайлов участкаси | Вашингтон шаҳри (Америка Қўшма Штатлари) |
| 12-сайлов участкаси | Вена шаҳри (Австрия Республикаси) |
| 13-сайлов участкаси | Дехли шаҳри (Ҳиндистон Республикаси) |
| 14-сайлов участкаси | Дубай шаҳри (Бирлашган Араб Амирликлари) |
| 15-сайлов участкаси | Душанбе шаҳри (Тожикистон Республикаси) |
| 16-сайлов участкаси | Жакарта шаҳри (Индонезия Республикаси) |

17-сайлов участкаси	Женева шахри (Швейцария Конфедерацияси)
18-сайлов участкаси	Жидда шахри (Саудия Арабистон)
19-сайлов участкаси	Исломобод шахри (Покистон Ислом Республикаси)
20-сайлов участкаси	Истамбул шахри (Туркия Республикаси)
21-сайлов участкаси	Киев шахри (Украина)
22-сайлов участкаси	Куала-Лумпур шахри (Малайзия)
23-сайлов участкаси	Лондон шахри (Буюк Британия)
24-сайлов участкаси	Мадрид шахри (Испания Қироллиги)
25-сайлов участкаси	Мозори-Шариф шахри (Афғонистон Ислом Республикаси)
26-сайлов участкаси	Москва шахри (Россия Федерацияси)
27-сайлов участкаси	Новосибирск шахри (Россия Федерацияси)
28-сайлов участкаси	Нью-Йорк шахри (Америка Қўшма Штатлари)
29-сайлов участкаси	Олма-ота шахри (Қозоғистон Республикаси)
30-сайлов участкаси	Париж шахри (Франция Республикаси)
31-сайлов участкаси	Пекин шахри (Хитой Халқ Республикаси)
32-сайлов участкаси	Рига шахри (Латвия Республикаси)
33-сайлов участкаси	Рим шахри (Италия Республикаси)
34-сайлов участкаси	Сеул шахри (Корея Республикаси)
35-сайлов участкаси	Сингапур шахри (Сингапур Республикаси)
36-сайлов участкаси	Тель-Авив шахри (Исроил Давлати)
37-сайлов участкаси	Техрон шахри (Эрон Ислом Республикаси)
38-сайлов участкаси	Токио шахри (Япония)
39-сайлов участкаси	Франкфурт-на-Майне шахри (Германия Федератив Республикаси)
40-сайлов участкаси	Шанхай шахри (Хитой Халқ Республикаси)
41-сайлов участкаси	Аль-Қувайт шахри (Қувайт Давлати)
42-сайлов участкаси	Ар-Риёд шахри (Саудия Арабистон Қироллиги)
43-сайлов участкаси	Қобул шахри (Афғонистон Ислом Республикаси)
44-сайлов участкаси	Қоҳира шахри (Миср Араб Республикаси)

2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида тузилган сайлов участкалари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиллов)дан Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва улар билан алоқа ўрнатилишини таъминлашда ҳамда сайлов участкалари тузилмаган хорижий давлатларда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин.

4. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси (В. Тян) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир ҳужжатлар ва жиҳозларнинг ўз вақтида етказиб берилишида, шунингдек ушбу ҳужжатлар 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига олиб келинишида белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиллов) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Э. Ғаниев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига янада қулайлик яратиш мақсадида хорижий давлатларнинг бошқа шаҳарларида янги сайлов участкаларини ташкил этиш масаласини қўшимча ўрганиб чиқсин, зарурат бўлганда, белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдимнома киритсин.

6. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 3 октябрь,
№ 742.